# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 72 (9.722) 2002 йил 21 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар



Бугунги кунда «Тошкент» чойини севиб харид қилувчи юртдошларимизнинг сони янада ортиб бормоқда. Чунки ушбу хуштаъм ва сифатли чой хорижникидан сира қолишмайди.

**СУРАТДА: «TASHKENT TEA FACTORY» қўшма корхонасининг илғор ишчиларидан бири Дилноза Эгамбердиева.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

## Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси

**КЕЧА Тошкент шаҳар Кенгашининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.**

Сессия кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги қарорининг бажарилиши юзасидан шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси бошқарувининг раиси Равшан Файзуллаевнинг ахбороти тингланди.

Маълумки, мазкур концепция асосида Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспортини 2005 йилгача ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг мажмуавий дастури қабул қилинган бўлиб, унга биноан пойтахт жамоат транспортини яхшилаш ва барқарорлаштириш, транспорт воситалари хўжалигини янгилаш, йўлларни таъмирлаш, хизмат доирасини кенгайтириш борасида талай ишлар амалга оширилади. Бугунги кунда уюшмада 24 акциядорлик жамиятлари фаолият юритади. Давлат тизимидаги транспорт хизматидан ташқари хусусий секторлар ҳам ривожланиб бормоқда.

Жамоат транспорти зарар кўриб ишлайдиган соҳаларга киради, бироқ шунга қарамасдан пойтахт транспорт корхоналари томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш ва сифатли қилиш бўйича барча имкониятлар ишга солинмоқда. Масалан, жорий йилнинг якунига қадар қўшимча 100 та «Мерседес» русумли автобуслар келтириш мўлжалланмоқда.

Аммо жамоат транспортини такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида режалаштирилган ишлар ҳамда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳали кўп.

Сессия муҳокамасига қўйилган иккинчи масала — Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ва аниқ вазифалар билан бирга режалар ҳамда камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Ўтган вақт мобайнида ўрта махсус таълими соҳасида янгиланишлар юзага келиб, академик лицей ва касбҳунар коллежлари кўринишида янги тизимга асос солинди. Бугунги кунга қадар бундай ўқув юртларининг 50 дан зиёди фаолият юритмоқда. 2000-2001 ўқув йилидаги биринчи битирувчиларнинг аксарияти ишга жойлашган ҳамда олий ўқув юртларида ўз билимини оширмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичидаги вазифаларни амалга ошириш мобайнида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар қаторида умумтаълим ўқув юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, юқори малакали педагог кадрларни мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш, вақтида қурилиши тугалланмаган янги тизимдаги ўқув муассасаларини келгуси ўқув йилига топшириш каби масалалар алоҳида ўрин олган. Кун тартибидаги ушбу масала муҳокамасида сўзга чиққан депутатлар шунингдек лицей ва коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича механизмни шакллантириш, мактабларга малакали мутахассисларни жалб қилишда олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги хусусида фикр билдиришди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бошлиғи А. Азизов йиғилганлар эътиборини ёшлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларнинг бўш вақтдан самарали фойдаланишлари юзасидан янги иш усулларини жорий этиш лозимлигига қаратди. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг гиёвандликнинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисида маълумот берди.

Сессия кун тартибидаги тўртинчи масала ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва хорижники ўрнини босувчи ва пойтахт қурилишлари учун маҳсулотларни чиқаришга йўналтирилган қурилиш саноати корхоналари соҳасини кенгайтиришга бағишланди.

Шуни айтиш керакки, шаҳримизда йилдан-йилга қурилиш суръатлари ошмоқда — замонавий бинолар, кўприклар, ижтимоий-маданий йўналишдаги турли иншоотлар бунёд этилмоқда. Шунга мос равишда қурилиш индустрияси маҳсулотларига талаб ортмоқда.

Кейинги пайтларда қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳиссаси ортди. Бироқ, дастурнинг янада изчил амалга оширилишини таъминлаш учун мавжуд корхоналарнинг имкониятлари ва салоҳиятларини янада пухта ўрганиш лозим.

Сессияда маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссиянинг 2001 йилдан ҳозирги давргача бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Шунингдек, сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди, кун тартибидаги барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## ҚИСҚА сатрларда

● ТОШКЕНТ ахборот технологиялари университетида ўқитувчилар ва талабалар иштирокида «Масофадан ўқитиш техникаси ва технологияси» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● РЕСПУБЛИКА миллий академик лицейида талабалару ўқитувчилар иштирокида ўтказилган «Оила нима, биласизми?» мавзуидаги давра суҳбати «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда уюштирилди.

● ШАЙХОНТОҲУР туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида ташкил этилган тадбир тадбиркорлик субъектларининг текширишларни рўйхатга олиш китобини таҳлил этишга бағишланди. Унда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишда қонунга риоя қилиш зарурлиги ҳақида сўз борди.

● ТОШКЕНТ Давлат иқтисодиёт университетида кутубхоналар ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига бағишланди.

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Термизда ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарган Сурхондарё вилояти деҳқонларига Президентимиз йўллаган табрик муносабати билан қишлоқ хўжалиги илғорларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлисида Марказий банкнинг 2001 йил юзасидан ҳисоботи тўғрисидаги масала, Олий Мажлис Кенгаши ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

● Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳамкорлигида ўтказилган семинарда матбуотимиз саҳифаларида маънавият ва қадрият масалалари қай тарзда ёритилаётганлиги ҳақида сўз борди.

● Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган «Наврўз — боқий байрам—2002» танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

● Жиззахда бўлиб ўтган йиғилиш иштирокчилари пахтачиликда юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш масалаларини муҳокама этишди.

● Янгиерда ёлғиз кексалар учун мўлжалланган Меҳрибонлик уйи очилди.

● Бугун пойтахтимиздаги Ҳинд маданият марказида атоқли ўзбек шоираси Зулфияга бағишланган «Умр ёғдулари» деб аталувчи адабий-мусиқий дастур бўлиб ўтади.

● Бугун пойтахтимиз марказидаги Сайилгоҳ пиёдалар йўлкасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган Мусиқа байрами бўлиб ўтди.

● Бугун мамлакатимиз пойтахтида ҳаво булутланиб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шаркдан сониясига 3-8 метр тезликда шамол эсди. Ҳаво ҳарорати кундузи 36-38 даража иссиқ бўлди.

### Жаҳонда

● Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев келаси йил октябрь ойида ўтказиладиган мамлакат Президенти сайловида ўз номзодини кўрсатиш режасида эканлигини айтди.

● Россия Федерацияси Давлат думаси «Экстремизмга қарши ҳаракат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакатда СПИДга қарши кураш учун бир неча йилга мўлжаллаб 500 миллион доллар ажратилишини эълон қилди. Жорий йилнинг ўзида ана шу мақсадлар учун 200 миллион доллар ажратилиши му

● Кубада сўнгги 43 йил мобайнида биринчи бор Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисида референдум ўтказилди.

● Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Катта академик театри артистлари ва Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари иштирокида Туркиянинг машҳур қадимий шаҳарларида «Оққуш кўли» балетини намойиш этиш бошланди.

● Бугун Москва халқаро кинофестивали очилади.

● 2000 йилнинг 11 ноябрь куни Австриянинг Капрун тоғ чанғичилари санаторийси ҳудудида юз берган фожиадан сўнг унинг кўлга олинган айбдорлари устидан суд бошланди.

● Бугун ва эртага футбол бўйича 17-Жаҳон чемпионати чорак финал учрашувлари бўлади. Бугун куннинг биринчи ярмида Англия - Бразилия терма жамоалари беллашди ва унда бразилияликлар рақиблари устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга чиқишди. Куннинг иккинчи ярмида Германия - АҚШ терма жамоалари майдонга тушади. Эртага Испания - Корея, Сенегал - Туркия учрашувлари ўтказилади.

СПОРТ

## Медаллар муборак, ҳамюртлар

**Хабар берганимиздек, Москвада Мустақил Давлат Ҳамдўстлиги ва Болтикбўйи давлатлари халқаро ўсмирлар спорт ўйинлари қизғин давом этмоқда.**

Бу галги турнирда 6 мингга яқин ўсмирлар иштирок этиб, спортнинг 17 тури бўйича ғалаба учун кураш олиб бормоқдалар. Ташкилотчилар томонидан тайёрланган 169 та медаллар тўпламини ўз соҳибларини кутмоқда. Ўсмирлар ўйинида юртимизнинг юздан ортиқ спортчилар ўнта спорт тури бўйича ўз кучмаҳоратларини намойиш этиб, ғалаба сари интилмоқдалар. Энг муҳими, 1998 йили ўтказилган шундай мусобақаларда умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган спортчиларимиз бу гал ҳам энг кучлилар сафида боришмоқда.

Айниқса Антон Филиппов, Жўрабек Ҳамроқулов, Сарвиноз Эргашева ва Юлдуз Ҳамроқулова каби ёш, умидли шахматчиларимиз жамоаси рақиблари устидан чиройли ғалабаларга эришмоқда.

Стол тенниси бўйича мусобақаларда қатнашаётган қизларимиз ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Улар жуда кучли Россия II терма жамоаси, Грузия ва тожикистонлик кичик ракетка усталарини доғда қолдиришиб, олға интилишмоқда.

Якка тартибдаги мусобақаларда иштирок этаётган спортчиларимиз дастлабки ғалабаларни қўлга киритишди. Хусусан, самбо бўйича 40 килограммгача вазнда куч синашган Озод Пардаев барча рақибларини енгиб олтин нишонларни қўлга киритди. 51 килограммгача самбочилар ўртасидаги баҳсда Камол Раҳматовга учинчи ўрин насиб этди.

Енгил атлетиканинг қизлар ўртасида баландликка сакраш баҳсида 180 сантиметр натижа кўрсатган яна бир ҳамюртимиз Светлана Радзевил кумуш нишон соҳиби бўлди.

Мусобақалар 24 июнга қадар давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Аёл борки, олам мунаввар*

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

**Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси**

**Ҳаётимиз фаровонлашиб, гўзаллашиб боришида, хонадонларимизнинг обод ва саришталигида аёлларимизнинг ўрни каттадир. Бугунги кунда аёлларимиз ҳамма соҳада илғорлик, етакчилик қилмоқдалар. Ҳозирда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида ўндан ортиқ уюшмалар фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар орасида «Фахрия аёллар» уюшмасининг айни кунларда олиб бораётган ишлари самарали ва диққатга сазовор бўлмоқда. Биз уюшма фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида 2-трамвай депоси бошлиғи, «Фахрия аёллар» уюшмасининг раиси Холида БОБОХОНОВАга бир неча савол билан мурожаат қилдик.**

*МУСОҲАБА*

## Уюшма фаолияти ривожланмоқда

**— Холида опа, «Фахрия аёллар» уюшмасининг асосий мақсад ва йўналиши, ҳуқуқ, вазифалари нималардан иборат?**

— Юртимизда азалдан кексалар эъзозланиб, қадрланиб келади. Бу заминда яшаётган ҳар бир инсон биладики, бу қадриятлар аввало ўзбек оиласидан бошланади.

«Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурига таянган ҳолда уюшма ўз Низом ва иш режаларини ишлаб чиқди. Уюшманинг асосий мақсади ва вазифалари фахрийларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий ишларда фаол қатнашиш. Жамиятда умуминсоний ва миллий қадриятларни, юксак маънавий фазилатларни камол топтириш ва уларни эъзозлаш, ўзбекона эркcеварлик, ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик хислатларини авлоддан авлодга ўтиб янада бойишига ҳисса қўшиш. Шунингдек, нафақа тўғрисидаги қонунчиликнинг фахрийларга белгиланган имтиёзларнинг амалга оширилиши юзасидан мутасадди давлат органлари билан ҳамкорлик қилишдан иборат.

«Фахрия аёллар» уюшмаси туманлар бўйича фахрийларни аниқлаш, уларнинг яшаш шароитини, маънавий ва моддий томонларини ўрганиб чиқиш, ёрдамга муҳтож бўлган уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга беминнат моддий, тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўради. Меҳнат ва уруш фахрийларини жамоатчилик ишларига жалб қилиш ва уларнинг фаолиятидан кенг фойдаланиш, фахрийларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини, демократик қадриятларини ҳимоя қилиш, улар орасида оммавий, маданий ва маънавий тадбирлар ўтказилишини таъминлайди.

**— Айтингчи, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан уюшма томонидан қандай маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда?**

— 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилингани уюшма фаолиятини янада кучайтирди. Уюшма томонидан маҳалла, ташкилотларда, ўқув масканларида «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан шу йил феврал ойида 2-трамвай депоси жамоасида қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театрида «Санъатга бахшида умр» мавзуида кекса санъаткорлар билан учрашув, Тошкент автомобиль йўллари институтида ёшларга фахрийларимиз, кексаларимизга янада эътибор, ғамхўрликни кучайтириш, миллий қадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириш мақсадида ёшлар билан учрашув ўтказилди.

Шунингдек, уюшма аъзолари республика «Нуроний» жамғармасининг хотин-қизлар гуруҳи ҳамда шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг «Қадрият» давраси билан ҳамкорликда «Нуроний»лар оромгоҳида «Қариялар — эл-юрт бойлиги» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилиб, кексаларга совғалар тарқатилди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Боғи Эрам маданият ва истироҳат боғида уруш қатнашчилари билан учрашув ўтказилиб, уларга 10 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Акмал Икромов туманида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож қарияларга моддий ёрдам кўрсатилиб, уйларини таъмирдан чиқаришга кўмаклашилди. Булардан ташқари ушбу тумандаги 287-ўрта мактабда «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзуида ўқувчилар ўртасида давра суҳбати ўтказилди. Мақсад ўсиб келаётган ёш авлодга кекса онахон ва отахонларни ҳурмат қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ҳаётий тажрибаларини ўрганишдан иборат.

**Дилором ИКРОМОВА**
**суҳбатлашди.**

**ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ**

# «Онасини кўриб қизини ол»

**Мен жуда аҳил икки дугонани биламан. Эгачи — сингилдек жуда қадрдон бўлиб кетишган. Одатда ёш ўтгандан кейин ҳам дўстлик, меҳр-оқибатнинг оҳорини тўкмай асраб қола олган «қиз ўртоқлар» шундай бўлишади. Булар эса аксинча. Бу ҳақда Маҳмудахоннинг ҳикояси:**

— Маъфиратхоннинг қизига совчи бўлиб борганимда танишганмиз. Лекин ўша совчи бўлиб борганимда остонадан ўтгандаёқ ўзига ҳам, уйига ҳам ҳавасим келган, мана шу кишиларда қуданг бўлса, дегандим. Тақдир бўлмадими — қуда бўла олмадик. Лекин, мени дастлаб Маъфиратхон ўз муомаласи билан шайдо қилди. Эру хотин фан доктори экан, биздек оддий одамлар билан муомала қилармикин, деб чўчиброқ борган эдим. Тўғри, қизини бермади, лекин кўнглимга ҳам заррача озор етказмади.

— Қизим катта бўлиб, эшигим очилганига шукр. Аммо эндигина мактабни битирди, ижозат берсангиз, ўқишдан бир довон ошиб олсин, битиришга яқин узатсамми дегандим...

Маъфиратхоннинг аввал ширин, мулоҳазали сўзига ҳавасим келганди, кейин уй тутишига, сариштолигига ҳавасим келди. Бу хонадонда унинг ўзига ўхшаган ажабтовур тароват бор эди. Ҳар гал келганимда нимадир ўрганиб кетаман, ўз хонадонимда мана шундай файз бўлиши ҳақида орзуим кучаяди. Бир мен эмас, икки қизи ўқишни битиргунича «эшигининг турми бузилди», «остонаси йўйилди» Маъфиратхоннинг. Келганлар ҳам ота-онадан, ҳам қизларидан рози кетди. «Баракалла сизга, раҳмат эшиттирадиган яхши қизлар ўстирибсиз. Ўзингизга ўхшаб бир хонадоннинг фариштаси бўлиш уларга насиб қилсин. Бахтини кўриб, шодланиб юринг!» дегувчилар кўп бўлди. Дугонамга қараб, қиз боққан ота-она учун бундан аъло мукофот бўлмаслигини ҳис қилиб турардим.

Маҳмудахоннинг сўзини тинглаб, биринчи учрашгандаёқ хонадони ва ўзидан бездириб юборадиганлар ҳам оз эмас, дегим келди. Қўшнимизнинг «ўтириб қолган» қизи бор. Яна билмадиму, лекин менинг назаримда бунга ўзи сабаб бўлиб қолди шекилли. Дастлаб совчиларга:

— Қизли уй карвонсарой эмиш. Карвонсарой бўлмай ўлсин. Дуч келган одам кириб келавераркан-да. Дастурхон ёз, чой қўй... Бо худо! Менинг вақтим бор эканми? Эшикданоқ «ковушини тўғрилаб» қўядиган бўлдим...

Мана, икки хонадондаги икки хил муомала-муносабатнинг гувоҳи бўлдик.

Халқимизда «Онасини кўриб қизини ол, отасини кўриб қиз бер» деган нақл нечоғлик ҳақиқат эканига иқрор бўлдик.

***Ойша ТЎРАЕВА,***
**педагогика фанлари номзоди, профессор.**



Хонадонимиз файзи бўлган мунис ва меҳрибон бувижонимиз, доимо соғ бўлинг.

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

# СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

**Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳақида маълумот берсангиз.**
**Мавлуда ва Анвар Раҳматуллаевлар оиласи.**

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлиги англатади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

**Ўзбекистон Республикаси Оила кодексидан.**

**БЕКА**

## ОЛЧАЛИ ПИРОЖНИЙ

Илиқ сутда хамиртуруш суюлтирилади. 300 грамм ун, 60 грамм шакар, туз, 1 дона тухум, 50 грамм юмшатилган сарёғ, ванилин қўшиб, хамир қорилади. Хамир ўттиз дақиқага ошириб қўйилади.

Уч дона тухум, 150 грамм шакар, лимон суви ва пўсти аралаштирилади.

Листни ёғлаб ошган хамир ёйилади, яна 15 дақиқа давомида тиндирилади.

Хамир устига бир текисда творог ҳамда олча қўйилади. 30 дақиқа давомида қизиб турган (олдиндан қиздирилган) духовкада пиширилади.

250 грамм ун, 150 грамм шакар, 125 грамм сариёғ, бир чимдим туз аралаштирилади, пишган хамир устига қўйилиб, яна 25 дақиқа давомида пиширилади.

Пишган хамир совутилиб, устига шакар кукуни сепилади.

Масаллиқ: 20 грамм хамиртуруш, ярим стакан сут, 550 грамм ун, 360 грамм шакар, туз, 4 дона тухум, 175 грамм сариёғ, ванилин, 750 грамм творог, 1 дона лимон суви ва майдаланган пўстлоғи, 750 грамм олча, шакар кукуни.

## МЕВАЛИ САЛАТ

Лимонни иссиқ сувда ювиб, қуритилади, пўсти арчилиб, суви сиқилади. Озгина пўстини узун чизиқ шаклида кесиб, безаш учун олиб қўйилади. Қолгани қирғичдан ўтказилади. Мевалар ювилиб, унча катта бўлмаган шаклда тўғралади. Сметана билан қаймоқ крем ҳолига келгунча миксер ёрдамида кўпиртирилади. Сўнгра ванилин, лимон суви ва лимоннинг майдаланган пўстлоғи солиниб, яна кўпиртириш давом эттирилади. Тайёр бўлган крем идишларга солиниб, мевалар билан безатилади ва ўттиз дақиқага музлатгичга қўйилади.

Ялпиз шохчалари ювилиб барглари ажратиб олинади. Ялпиз барглари ва безатиш учун тўғраб олиб қўйилган лимон пўстлоғи билан салатнинг устки қисми безатилади.

Масаллиқ: 1 дона лимон, 300 грамм мевали ассорти (масалан, малина, ўрик, олча, олма, банан), 400 грамм ўта ёғли сметана, уч ош қошиқ қаймоқ, ванилин, икки шохча ялпиз.

Ёқимли иштаҳа!

**Муҳаббат**
**ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратган, бизни ёмонликдан қайтарган ва яхшиликка йўналтирган жуда кучли бир қувватдир.

● Инсонлар ақл билан мумтоздирлар. Ақл билан яхшилик ва ёмонликни идрок эта оламиз. Шунинг учун иҳтиёримизни хайрга сарф этиш — қувват ва қудратимиз қўлидадир.

● Дилдаги адоват темирдаги зангга ўхшайди, занг темирни егани каби адоват ҳақни кемиради.

● Инсонңинг биринчи фазилати бошқаларнинг ҳуқуқига, шараф, номус ва орзуларига ҳурмат ва риоят этишдир. Ўзимизга риоят қилинишини истасак, бошқаларга ҳам бу хилда ҳурмат қилишимиз лозимдир.

● Саодат — ҳаётимизнинг идора қилган иродага боғлиқдир. Бахтиёр бўлишимиз учун иродани тарбия этишни билишимиз керак.

ҲИКОЯТ. Айтишларича, мўътабар бир одамнинг мажлисида бир олим, фозил кишини кўп таъриф ва тавсиф қилдилар. Мўътабар одам у олимни кўриб, суҳбатидан фойдаланишни орзу қилиб, уни шу мажлисга даъват қилиш учун ўз қариндошини юборди. Олим мажлисга келгач, салом бериб ҳамма билан кўришди. Кейин мўътабар одамга таъзим қилиб:

— Мажлисингизга даъват қилганингиз учун ташаккур этаман, минг йил роҳат ва фароғатда умр кечиринг, — деди.

Мўътабар одам олимнинг сўзига таажжуб қилиб айтди:

— Мажлисимизда ҳали ўтирмай туриб, мумкин бўлмаган сўзни оғзингиздан чиқардингиз, бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими. Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибмикан?

— Инсоннинг тириклиги фақат жисмнинг боқийлиги билангина эмас. Одамнинг минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади. Лекин ўлгандан кейин қолган яхши ном яна бўлак умрдир. Сизнинг олижаноб, марҳаматли, шафқатли одам эканлигингизни биламан. Қилган яхши ишларингизни халқ унутмай, номингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган яхшилигингизни халқ унутмайди, номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маънода «Минг йил умр кўринг», дедим, — деб жавоб берди олим.

**БАЙТ:**

**Кишиким бўлди яхши номи машҳур,**
**Вафотидан кейин они «зинда» дерлар.**
**Ёмон номга эга бўлган одамни,**
**Агар чанди тирикдир «мурда» дерлар.**

● Инсонга тажриба, билимлар, муқаддималари бўлган «хусусий маърифат» жуда лозим бўлгани каби, кўркамлик учун керак бўлган «камолий маърифат» ҳам лозимдир.

Камолий билимлар зарур бўлган билимлардан бўлмаса ҳам, баъзилари қай вақтда зарурий илмлар каби керак бўлиб қолади. Ва баъзан шу билим орқали ишда муваффақиятга эришилади. Шунинг учун ҳар кимга бу билимлардан кучи етганича ўзига керак бўлган ҳиссасини олиш лозимдир. Бу илм кўришиб, салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашиш, зиёфат қилишлик, хат ёзишлик ва бошқа ҳоллар ҳақида бўлган усул ва одобни ўргатади. Бу билимни ўрганиш ҳар кимга тавсия қилинади. Инсон — одоби ва гўзал юриш-туриши билан инсондир. Музиқа, расм каби нафис санъатлардан қайси бирини ўрганишга қобилиятинг бўлса, севсанг уни ўрган, яхши рассом, мусиқашунос бўлишга ғайрат қил, чунки буларнинг ҳаммаси керак бўлиб, инсонга қадр, лаззат ва саодат бағишлайди.

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

### Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Мен эллик динорни олиб дарё бўйига келдим. Дарёда устига қимматбаҳо моллар тахланган ва ҳаддан зиёд кўп озиқ-овқат ортилган шахсий кемани кўрдим. Мен қайиқчилардан: «Ораларингизда бирор киши борми, мени бирор восита билан ушбу кемага жойлаштирса», деб сўрадим. Икки дирҳам берсанг, мен сени ушбу кемага жойлаштириб қўяман. Лекин, шуни билгинки, бу кема басралик бадавлат йигитнинг кемасидур. Аммо сени бу кийиминг билан кемага жойлаштира олмаймиз. Сен қайиқчилар кийимини кийиб ол. Токи хўжайин сени кўриб қолса, қайиқчилардан бири, деб гумон қилсин», деб жавоб берди қайиқчилардан бири.

Бу сўзни эшитганимдан сўнг, кемадаги мол-дунё ва асбоб-ускуналарни кўриб, ўз-ўзимга дедим: «Бу кема ҳойнаҳой, канизагимни сотиб олган ўша йигитники бўлса керак!..»

Мен қайиқчилар хонасининг эшиги олдида ўтирдим. Бирор соатдан сўнг ўз канизагимнинг келаётганини кўрдим. Унинг хизматида яна бошқа икки нафар канизак ҳам бор эди. Кўзим ёрнинг жамолига тушиши ҳамоно ғайб пардаси остидан мақсуд жамолини кўрсатгани учун худога беҳад шукрлар қилдим. Бирор соатдан сўнг басралик йигит ҳам бир неча хизматкорлари билан келди. Улар кемага чиқиб ўтиришгач, кема йўлга равона бўлди.

Бир оздан сўнг ошпазлар таом келтирдилар. Йигит билан канизакка алоҳида таом келтириб, қолганини хизматкорларга бердилар. Қайиқчиларга ҳам таом келтирдилар. Таомдан сўнг йигит канизакка хитобомуз: «Ахир қачонгача оҳ-нолалар давом этади?! Ҳали ҳам хурсанд бўлиб, ўзингни ширин ва хуш наволаринг билан менга мезбонлик қиладиган вақт етишмадими?! Ўз маҳбубидан айрилиб, дилдоридан маҳрум бўлган фақат биргина сенмисан?! Сендан илгари ҳам кўп кишилар ушбу жомдан айрилиқ майини ичиб, охирида сабр либосини кийганлар», деди.

Шундан сўнг, канизакдан бир марта чангда куй чалиб беришини илтимос қилдилар. Канизак торни қўлига олиб созлаб, дамсози ва ёридан ажралгани ҳақида ғамгин куйлади.

Шундан сўнг, канизак чунон йиғладики, кўзларидан шашқатор ёш оқарди. У қайғу-изтиробга тушгани туфайли соз чалишдан тўхтади. Канизак атрофида ўтириб мусиқа тингловчиларга бир нафаслик шод-хуррамлик заҳар-заққум бўлди. Худди шу пайт мен беҳуш бўлиб йиқилдим. Қайиқчилар эса мени йиқилиб тушди, деб гумон қилдилар. Баъзилари юзимга сув сепар ва баъзилари қулоғимга азон айтиб қичқирардилар. Бирор соатдан сўнг ҳушимга келиб қарасам, кемадаги кишилар канизакни гоҳ дўқ-пўписа, гоҳ муросаю мадора юзасидан маломат қилардилар. Канизак яна қўлига торни олиб ҳижрон байтларини тараннум қилди.

Шундан сўнг, илиқ шабада эсиб, кўнгулларни юмшатиб, орадаги совуқ муносабатларга хотима берди. Канизак эса яна йиғига тушиб, соз чалишдан тўхтади. Мен наъра тортиб ҳушдан кетдим. Баъзи кишилар охират сафарига равона бўлган бўлса керак, деб гумон қилдилар ва бир-бирига қараб дедилар: «Бу девона қаердан бизга йўлиқди?»

Улар бирор қишлоққа етиб боргандан сўнг мени кемадан ташлаб кетишга қарор қилдилар. Мен бу сўзни эшитгач, бошимга тоғ қулагандай бўлиб, ҳижрон ва айрилиқ азобидан қайтадан ўлишимга оз қолди. Ниҳоят, мен ўзимга ўзим: «Бир оз сабр қил, токи аҳволимдан хабардор бўлсин», дедим.

Шундан кейин, кема шаҳарга яқинлашди. Кемани дарёнинг қирғоғига келтириб қўйиб, ҳар ким ҳар қаёққа тарқалди. Мен бир оз кутиб турдим. Бирор соатдан сўнг канизаклар ташқарига чиқдилар. Мен дарҳол ичкари кириб, канизакнинг торини олиб, унинг созини бошқа созга қўйдим. Бу созни мендан бошқа одам чала олмас эди. Мен торни яна ўз жойига қўйиб, ўрнимга қайтдим.

Ниҳоят, кема аҳли қирғоқни сайр қилиб бўлгач, қайтиб келдилар. Ўша тун ойдин эди. Ойнинг ёғдуси кечани кундек ёритиб турарди. Кема аҳли канизакдан: «Шундай ойдин кечада ўз қайғу-ҳасратларинг билан бизнинг вақтимизни олиш ўрнига, бизга мезбонлик қилсанг нима бўлади?» деб илтижо қилдилар. Канизак қўлига торни олиб, камончани торга тегизиши биланоқ, наъра тортиб: «Худо ҳаққи, бу созни менинг хожам созлабди, у албатта биз билан шу кемададир», деди.

«Кошкийди хожанг шу кемада бўлса, оҳ-нолани камроқ қилардинг ва биз сенинг хуш овозингдан баҳраманд бўлардик. Аммо бу ерда бегона кишининг бўлиши гумон, — деди басралик йигит ва қайиқчиларга қараб, бирор бегона кишини кемага олгансизларми?» деди. Қайиқчилар «йўқ» деб жавоб бердилар. Мен басралик йигитнинг қайиқчилар сўзига ишониб, мен ҳақимда қайта суриштирмай қўйишидан қўрқиб, овоз бердим: «Эй хожа, сен суриштириб, қидираётган киши мен бўламан!»

Шу пайт олдимга бир қул келиб, мени ўз хожасининг ҳузурига бошлаб борди. Басралик йигит менинг аҳволимни кўриб раҳми келди ва мендан сўради: «Бу қандай ҳол?»

Мен ўз аҳволимни бошдан охиригача ҳикоя қилдим. Басралик йигитдан тортиб кемадаги барча кишиларнинг менга раҳми келиб, кўп йиғладилар. Ичкаридан канизакнинг йиғлаган товуши қулоғимга эшитиларди. Мен ғам-аламли қиссамни тугатганимдан сўнг басралик йигит қасамёд қилиб, деди: «Мен бу канизакни сендан сотиб олганимдан буён унга қўл теккизганим йўқ ва унинг хуш наволаридан ҳеч баҳраманд бўлганим йўқ. Мен давлатманд кишидурман. Бағдодга ашула ва мусиқа эшитиш ҳамда томоша қилиш ҳаваси билан келган эдим. Халифа матлабимни берди. Бағдоддан қайтаётиб, бағдодлик созанда канизаклардан бирини сотиб олиб ўзим билан бирга олиб кетишга қарор қилдим. Басрага боргач, бошқа канизаклар билан бирга гоҳо-гоҳо менга соз чалиб берса, деган умид билан ушбу канизакни олдим. Эндиликда сизларнинг аҳволларингиз менга маълум бўлди. Сен асло ғам ема. Мен ҳар вақт йиқилганни суяб қолишни ёхуд бирор бечораҳолга эҳсон қилишни истардим. Худони гувоҳ қилиб айтаманки, Басрага етиб боргач, канизакни озод қилурман ва сенга хотинликка берурман. Шунингдек, барча асбоб рўзғорингни муҳайё қилурман. Аммо бир шартим бор, агар шунга вафо қилсанг...»

«У қандай шарт экан?» деб сўрадим. «Шарт шулки, қачон менда унинг ашуласини эшитиш иштиёқи туғилса, уни ўзинг билан бирга олиб келасан ва у парда ортидан мен учун соз чалиб, тараннум қилади. Уйга қайтаётганингда яна ўзинг билан бирга олиб кетаверасан», деди.

Мен унинг оёқлари остига йиқилиб, унинг ҳақига дуо қилгач: «Мени йўқлик дунёсидан яна қайта ҳаётга қайтарган ва ҳалокат чангалидан қутқарган кишига қандай қилиб йўқ дейман...» дедим.

Шундан сўнг қулни чақириб, менинг кийимларимни алмаштиришга буюрди. Олдимга яхши таомлар келтиришди. Мен у инъом қилган кийимларни кийиб, унинг ҳузурига бордим ва энг яқин кишилари қаторидан жой олдим.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**
**(Давоми бор).**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. От-улов «пойабзали». 2. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон шеъри. 3. Судралиб юрувчи жонивор. 4. Бирор кимса ёки ғоя учун ўзни бағишлаш. 5. Аждодлардан қолган ибратли ҳикоят. 6.Бўёқ модда. 7. Мактуб тарзида битилган бадиий асар. 8. Франциядаги порт шаҳар. 9. Кўклам гули. 10. Автомобиль ёриткичи. 11. Ёзиш қоидалари мажмуи. 12. Ҳайдалган ерни текислашда фойдаланиладиган содда қурилма. 13. Исаак Ньютонга азият келтириб кашфиётга сабаб бўлган ҳўл мева. 14. Марказий Осиёдаги денгиз. 15. Апенин тоғларидан бошланувчи Италиядаги дарё. 16. Африка қитъаси шимолидаги мамлакат. 17. Ўзбек халқ рақс куйи. 18. Матбуот нашридаги туркум сарлавҳа. 19. Соч кокили. 20. Тикув машинаси ғалтаги. 21. Тақинчоқ тури. 22. Француз физик олими номи билан аталувчи радиоактив элемент. 23. Маъданга ишлов бериш йўли билан ҳосил қилинган кучли калорияли ёқилғи. 24. Қимматбаҳо қоғозлар сотиладиган ва сотиб олинадиган баҳо. 25. Қорамолларнинг маҳсулдор кенжа тури.

**Муаммонома.**

Қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси бошқотирма жавобининг тартибини, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

25-3; 17-1; 2-3; 1-2. 5-2; 19-1; 16-2; 16-2; 21-2. 7-2; 4-3;
8-3; 25-3; 6-3. 18-2; 3-4; 4-3; 9-4; 15-3.
10-2; 25-1; 11-1; 19-1. Улардан ўзбек халқ мақолларидан бирини билиб олишга муваффақ бўласиз.

***Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.***

Газетанинг шу йил 14 июнь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

1. Куз. 2. Зол. 3. Луб. 4. Бор. 5. Рок. 6. Кўз. 7. Зар. 8. Рус. 9. Сон. 10. Нур. 11. Ром. 12. Мум. 13. Мот. 14. Той. 15. Йўл. 16. Лат. 17. Тун. 18. Нок.

Муаммонома

Очқич сўзлар: **1. Герб. 2. Хамса. 3. Шодлик. 4. Чаён. 5. Эл. 6. Тут.**

Ҳикмат:

***Дунё чаманининг булбулисен,***
***Гул шохида ошён этиб кет.***
***НОДИРА***



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

